**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI**
**OHANGARON TUMAN OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI**

11«10»2022 yil. 332-10-134-OB/2022-son

# 4 -сонли ШАРТНОМА

Ушбу шартнома биринчи томондан **"Буюртмачи"** деб юритиладиган **Охангарон туман Ободонлаштириш бошкармаси** номидан Устав асосида иш юритувчи рахбар **П.Шеров** иккинчи томондан кейинги ўринларда **"Пудратчи"** деб юритиладиган _KUSHON DIZAYIN QURILISH MCHJ номидан Низом асосида иш кўрадиган директори К.Худоёров куйидаги шартномани тузднлар:

## 1. Шартнома мазмуни.

1.1 "Буюртмачи" –**Охангарон туман Кизилой МФЙ Саховат,Мустакиллик ва Обод турмуш кучаларини тунги ёритиш чирокларини урнатиш** тақдим этилган техник шартлар асосида хужжатларини "Пудратчи" таъмирлашни сифатли якунлаб беришни ўз зиммасига олади.

2.1. Ишларни амалга оширишнинг баҳоси **289000000 (Икки юз саксон туккиз миллион) сўмни** ташкил қилади.

2.2 "Буюртмачи" шартномани имзолагандан сунг 5 (беш) банк куни муддатда шартнома баҳосининг 30% миқдорида аванс тўловини ва техник топшириқда кўзда тутилган хужжатлар тўпламини қабул қилгандан кейин 5 (беш) банк куни муддатда қолган 70% шартнома баҳосини "Пудратчи" нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

## 3. Томонлар мажбуриятлари.

3.1. "Пудратчи" шартномада кўзда тутилган муддатларда тайёрлаб икки нусхада "Буюртмачига" топширишни ўз зиммасига олади.

3.2. "Буюртмачи" шартномада кўзда тутилган тартибда тўловларни амалга оширишни ва бажарилган ишларнинг шартнома талабларига мувофиқлигини назорат қилишни ўз зиммасига олади.

3.3. "Буюртмачи" томонидан дастлабки тўлов (аванс) ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда, ишларни туғаллаш муддати ҳам, тўлов кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.4. Шартноманинг шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган томон у асослантириб келтирган зарар миқдорини иккинчи томонга тўлалигича тўлаши шарт.

3.5. Шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

4.1. "Пудратчи" килинган ишлар далолатномасини 2 нусхада тайёрлаб, чоп этади ва топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда "Буюртмачи"га топширади.

4.2. "Буюртмачи" 5 (беш) иш куни мобайнида ҳужжатларини кўриб чиқиб, техник топшириқ талабларига мос ва сифатли бажарилганлигига ишонч ҳосил қилгач, топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолайди ва қолган шартнома баҳосини "Пудратчи"нинг ҳисоб рақамига ўтказади.

4.3. Бажарилган ишлар натижаларидан қаноатланмаган "Буюртмачи" далолатномани олган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш куни мобайнида "Пудратчи"га ишларни қабул қилмаслиги тўғрисида асосланган ёзма раднома юбориши шарт.

Scanned with CamScanner

4.4. "Буюртмачи" раднomaси асосли деб топилган ҳолда томонлар далолатнома тузадилар ва унда қўшимча бажарилиши лозим бўлган хизматлар рўйхати ва уларни бажариш муддатлари белгиланади.

**5. Томонларнинг жавобгарлиги.**

5.1. Шартноманинг шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган томон у асослантириб келтирган зарар миқдорини иккинчи томонга тўлалигича тўлаши шарт.

5.2. "Буюртмачи" томонидан "Пудратчи" га, кўрсатган хизмати учун кечиктирилган тўловни ўз вақтида амалга оширмаса, тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,4 % дан жарима ундирилади, аммо жариманинг умумий миқдори бажарилган ишлар баҳоси суммасининг 50 % дан ошмаган миқдорда.

5.3. "Пудратчи" томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда "Буюртмачи"га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.4. Ишларни бажариш жараёнида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда "Буюртмачи" "Пудратчи"ни хабардор қилиши ва у билан биргаликда зарур чоралар кўриши шарт.

**6. Якуний шартлар.**

6.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

6.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

6.3. Шартнома баҳоси томонлар келишувига ўзгариши мумкин.

6.4. Шартномага иловалар: Техник топширик, келишув баёномаси ва бошқа маълумотлар.

**7. Томонлар ўртасида шартномавий низоларни ҳал этиш.**

7.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан иқтисодий судларида ҳал этилади.

**8. Шартноманинг амал қилиш муддати.**

8.1. Мазкур шартнома 2022 йил 11 ноябр. 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

8.2. Мазкур шартнома уч нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

8.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда;
- Форс-мажор ҳолатларида.

**9. Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш бандлари**

9.1 Тарафлар шартнома тузиш, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб олади.

9.2 Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайди.

9.3 Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан

Scanned with CamScanner

боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмагани, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмагани, таклиф этилмагани, уларни беришга ваъда қилинмагани, шунингдек, моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганини) кафолатлайди.

9.4 Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.5 Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек, ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди. Жумладан, назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида қайд этилган шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига йўл қўймайди.

9.6 Қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусияти, манбаи, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга йўл қўймайди.

9.7 Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш ҳолати бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

9.8 Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказиш, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб бориш, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакиллар) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт: коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

9.9 Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайди.

9.10 Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандида белгиланган мажбуриятларнинг бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва тегишли чоралар кўрилиши ва амалга оширилган ишлар юзасидан хабардор қилишни талаб қилиши шарт.

Scanned with CamScanner

9.11 Тарафнинг талаби бўйича тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туриш, бекор қилиш ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

**10. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.**

| Буюртмачи | Пудратчи |
|---|---|
| **Охангарон туман Ободонлаштириш бошкармаси Манзил:** Охангарон туман Эзгулик кучаси<br>**Тел./факс:** 998 949412510<br>**Ш.Х.В: 100022860272127065200110001**<br>**ИНН:**207061230 **ОКОНХ:**90211<br>**Ғазначилик органи номи:** Охангарон туман буйича ғазначилик булинмаси<br>**Газна х/р:**23402000300100001010<br>**Банк:** Тошкент ш. Марказий банк ХХКА<br>**МФО:**00014 **СТИР:** 201122919<br><br>**Бошлик :** ____________ **П.Шеров** | KUSHON DIZAYIN QURILISH MCHJ<br><br>**Манзил Ўзбекистон МФЙ Ўзбекистон кўчаси**<br>**Ш.Х.В 20208000900279146001**<br>**ИНН 302816484**<br>**ОКЕД 41202**<br>**МФО 01060**<br>**Код НДС 327080013654**<br><br>**Раҳбар Қ.Худоёров**<br>KUSHON DIZAYN QURILISH |

| | Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang. | |
|---|---|---|
| | Imzolovchi F.I.SH. | PAYZULLA SHEROV AXMADALIYEVICH |
| | Imzolangan sana | 11 окт 2022 08:44 |
| | Hujjat kodi | **EM4662243621** |
| | Hulosa kodi | **ID4147715520** |

Scanned with CamScanner

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

ID4147715520

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **Qiziloy MFY ko‘chalariga tungi yoritish chiroqlari o‘rnatish xaqida**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: OHANGARON TUMANI OBODONLASHTIRISH BO'LIMI tomonidan 07.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Oxangaron tumani yuridik markazi yuriskonsulti:**

S.O‘.AKTAMOVA

10.10.2022

Scanned with CamScanner

**«Тасдиклайман»**
**Охангарон туман Ободонлаштириш**
**Бошкармаси бошлиғи**
**_____________П.Шеров**

**7.10.2022 й**

**Охангарон тумани**

**Охангарон туман Ободонлантириш бошқармасининг тендер ички комиссиясининг йиғилиш баённомаси**
**№ _7_**

Комиссия раиси: П.Шеров
Аъзолари С.Яйлавова
И.Меликов
Ж.Хайталиев
З.Эргашев

**Қатнашдилар Комиссия раиси ва 5 нафар комиссия аъзолари**

**КУН ТАРТИБИ:**

**1.**Оҳангарон туман Қизилой маҳалла фуқаролар йиғинидаги Саховат, Мустақиллик ва Обод турмуш кўчаларига тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш бўйича E-tender-Uz электрон тендерда берилган таклифларни кўриб чиқиш.
**2.** E-tender-Uz тендерда қўйилган "Энг яхши таклиф" бўйича тендер комиссия аъзолари билан кўриб чиққан ҳолда энг яхши таклифни баҳолаш.

Сўзга чиққан бошқарма бошлиғи 2022 йил 5 октябр куни Оҳангарон туман Қизилой маҳалла фуқаролар йиғинидаги Саховат, Мустақиллик ва Обод турмуш кўчаларига тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш бўйича E-tender-Uz тендерда "Энг яхши таклиф" бўйича кўриб чиқиш натижаси бўйича энг яхши таклифлар берилганлигини айтиб, 2 та ташкилот томонидан таклиф берилганлигини кўриб чиқиш натижаси бўйича «KUSHON DIZAYN QURILISH» МЧЖ томонидан энг яхши таклиф берилганлигини, ушбу танлов электрон тарзда ўтказилганлигини айтиб ўтди.

Сўзга чиққан Бош муҳандис Ж.Хайталиев тендер комиссия аъзолари билан ушбу танлов 2022 йил 5 октябр куни баҳолаш ишлари олиб борилганлигини, танлов якунида коммисия аъзолари 5 киши иштирок этди. Танловда 2 та ташкилот ўз таклифларини бериб ўтганлигини, танлов якуни бўйича «KUSHON DIZAYN QURILISH» МЧЖ томонидан берилган таклифни энг яхши таклиф деб топилиб, баённома расмийлаштирилганлигини, юқоридаги кўрсатилган ташкилот билан қонун талаблари асосида шартнома имзолаш кераклигини айтиб ўтди.

Юқоридагиларни инобатга олиб йиғилиш қарор қилади:

Scanned with CamScanner

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «KUSHON DIZAYN QURILISH» МЧЖ томонидан Оҳангарон туман Қизилой маҳалла фуқаролар йиғинидаги Саховат, Мустакиллик ва Обод турмуш кўчаларига тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш бўйича берилган таклиф энг яхши таклиф деб топилсин.
2. 2022 йил 5-6 октябр кунлари мухокамага қўйилсада бошка иштирокчилар томонидан эътирозлар бўлмаганлиги сабабли голиб деб топилсин.
3. Бош ҳисобчи С.Яйлавовага голиб деб топилган «KUSHON DIZAYN QURILISH» МЧЖ билан Оҳангарон туман Қизилой маҳалла фукаролар йиғинидаги Саховат, Мустақиллик ва Обод турмуш кўчаларига тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш бўйича қонуний тартибда шартнома расмийлаштириб, 30% микдорда олдиндан тўловни тўлаб бериш вазифаси юклатилсин.
4. Ушбу йиғилиш баённомасининг қарор қисмида кўрсатилган вазифаларни назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Йиғилиш котиби:** [signature] **Г.Хайдаралиева**

Танишдим:

М. Хайталиев [signature]

С. Яйлавова [signature]

И. Меликов [signature]

З. Эргашев [signature]

Scanned with CamScanner

2390

..Yuridik.shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"KUSHON DIZAYIN QURILISH " Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"KUSHON DIZAYIN QURILISH " MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

04.02.2015 2624 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 302816484

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Toshkent viloyati, Ohangaron tumani, Qora xitoy, O'zbekiston MFY, O'zbekiston ko'chasi 68-uy ,

Guvohnoma: Toshkent viloyati, Ohangaron tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

Scanned with CamScanner

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 156267 на приобретение Охангарон тумани 2021 йил "Обод кишлок"дастури буйича Кизилой МФЙ Саховат, Мустакиллик ва Обод турмуш кучаларини ёритиш тизимларини урнатиш**

Способ проведения электронный

Дата 05.10.2022

Время рассмотрения 05.10.2022 13:53

Закупочная комиссия Тошкент вилояти Охангарон туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SHEROV PAYZULLA AXMADALIYEVICH | Директор | Комиссия раиси |
| **Секретарь комиссии** | HAYDARALIYEVA GULCHEXRA SULOYMON QIZI | Бош мутахассиси | Котиби |
| **Член комиссии** | vvv | Техник | Комиссия азоси |
| **Член комиссии** | YAYLAVOVA SAYYORA ISMATILLAYEVNA | Бош хисобчи | Комиссия азоси |
| **Член комиссии** | MELIKOV IKROM YULDASHEVICH | булим бошлиги | Комиссия азоси |
| **Член комиссии** | XAYTALIYEV DJASUR ABDIGANIYEVICH | Бош мухандис | Комиссия азоси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 05.10.2022 года № лота 156267.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по содержанию и текущему ремонту уличного освещения** |
| Подробное описание | Охангарон туман Кизилой МФЙ Саховат Мустакиллик ва Обод турмуш кучаларини еритиш тизимларини урнатиш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 298 136 563.00 |
| Стартовая сумма | 298 136 563.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 2. Асосий воситалар тугрисида маълумотнома тасдикланган холда, ходимлари сони ва лавозими курсатилган хамда тасдикланган маълумоти

Тип: Текстовое значение

Описание: 2. Асосий воситалар тугрисида маълумотнома тасдикланган холда, ходимлари сони ва лавозими курсатилган хамда тасдикланган маълумоти

Обязательность: Не критично



Scanned with CamScanner

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО ZAMONAVIY OHANGARON STROY | 15 | 295155197 | 13 | Экспертная | | |
| KUSHON DIZAYIN QURILISH MCHJ | 15 | 289000000 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №2 3. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги тугрисида соликдан маълумотнома,баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботлар(1 йиллик булиши керак ,баланс ҳисоботларининг нусхалари тақдим этилиши шарт ) ҳамда талабгор ташкилотга хизмат кўрсатувчи банк томонидан картотека К-2 да қарздорлиги мавжуд эмаслиги ва 20% маблаги тугрисидаги маълумонтнома такдим килиниши керак (танлов эълон қилинган кундан кейин олиниши шарт)

Тип: Текстовое значение

Описание: 3. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги тугрисида соликдан маълумотнома,баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботлар(1 йиллик булиши керак ,баланс ҳисоботларининг нусхалари тақдим этилиши шарт ) ҳамда талабгор ташкилотга хизмат кўрсатувчи банк томонидан картотека К-2 да қарздорлиги мавжуд эмаслиги ва 20% маблаги тугрисидаги маълумонтнома такдим килиниши керак (танлов эълон қилинган кундан кейин олиниши шарт)

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО ZAMONAVIY OHANGARON STROY | 15 | 295155197 | 10 | Экспертная | | |
| KUSHON DIZAYIN QURILISH MCHJ | 15 | 289000000 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №3 4. Ишларни тугатиш муддати хамда сифатли бажарилиши тўгрисида кафолат хати хамда танловда иштирок этувчилар таъмирлаш ишлари кузда тутилган маъмурий бино билан шахсан танишиб чикишлари ва маъмурият томонидан тасдикланган хужжатлар илова килиниши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: 4. Ишларни тугатиш муддати хамда сифатли бажарилиши тўгрисида кафолат хати хамда танловда иштирок этувчилар таъмирлаш ишлари кузда тутилган маъмурий бино билан шахсан танишиб чикишлари ва маъмурият томонидан тасдикланган хужжатлар илова килиниши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО ZAMONAVIY OHANGARON STROY | 15 | 295155197 | 13 | Экспертная | | |
| KUSHON DIZAYIN QURILISH MCHJ | 15 | 289000000 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 1. Ташкилотни охирги бир йил мобайнида бажарган ишлари хамда конкурс объектига ухшаш объектларда бажарган ишлари тугрисида тузилган шартномалари ва бажарилган ишлар Ф2 ва Ф3 маълумотлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Охангарон туман Кизилой МФЙ Саховат ,Мустакиллик ва Обод турмуш кучаларини ёритиш тизимларини урнатиш

Обязательность: Не критично


Scanned with CamScanner

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО ZAMONAVIY OHANGARON STROY | 15 | 295155197 | 12 | Экспертная | | |
| KUSHON DIZAYIN QURILISH MCHJ | 15 | 289000000 | 15 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| KUSHON DIZAYIN QURILISH MCHJ | 298 136 563.00 | 289 000 000.00 UZS | 289 000 000.00 | 00.00 | 289 000 000.00 | 04.10.2022 11:04:50 | 100 |
| ООО ZAMONAVIY OHANGARON STROY | 298 136 563.00 | 295 155 197.00 UZS | 295 155 197.00 | 00.00 | 295 155 197.00 | 03.10.2022 17:14:14 | 97.91459 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| KUSHON DIZAYIN QURILISH MCHJ | Прошел | 100 | 100 |
| ООО ZAMONAVIY OHANGARON STROY | Прошел | 97.91459 | 97.91459 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 156267 от 05.10.2022 года на приобретение Охангарон тумани 2021 йил "Обод кишлок"дастури буйича Кизилой МФЙ Саховат, Мустакиллик ва Обод турмуш кучаларини ёритиш тизимларини урнатиш определила победителем:

KUSHON DIZAYIN QURILISH MCHJ
302816484

и резервный исполнитель: ООО ZAMONAVIY OHANGARON STROY (302690644)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SHEROV PAYZULLA AXMADALIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | YAYLAVOVA SAYYORA ISMATILLAYEVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | MELIKOV IKROM YULDASHEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XAYTALIYEV DJASUR ABDIGANIYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Scanned with CamScanner